



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 1-sentabr №34 (4745)



## ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!  
Мухтарам отахон ва онахонлар!  
Юртимиз келажаги бўлган ёшлар!  
Хурматли меҳмонлар!  
Бундан роппа-роса ўттиз икки йил муқаддам Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўтган даврда биз қанча синовларни бошимиздан ўтказдик, кўплаб кийинчиллик ва машаққатларни биргаликда енгдик.

Ўттиз икки йил аввал тугилган гўдак бугун ўзининг мустақил фикри, дунёкараши, орзу-истаклари ва мақсадларига эга шахс сифатида вояга етди. Худди шу сингари, бугунги Ўзбекистон ҳам, ўтган даврда турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланди.

Бу – бутун халқимизнинг тарихий ютуғи. Унда ҳар бирингизнинг муносиб ҳиссангиз бор!

Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар қунлик меҳнатингиз Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами – барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу шуқудли давларда ҳар қандай шароитда ҳам ўз касбига содиқ қолиб, ёш авлодимизга илм-фан асосларини ўргатиб келаятган ҳурматли муаллим ва мураббийларни, халқ саломатлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган жонқуяр шифокорларни, эл-юрт дастурхонини янада тўкин қилиш учун далаларимизда фидокорона меҳнат қилаётган миришкор дехкон ва фермерларимизни, она юртимиз калконлари бўлган жасур ҳарбийларимизни, иқтисодиётимиз ривожини, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тадбиркорларимизни, ўзининг дастлабки ютуқлари билан барчамизни хурсанд қилаётган азму шижоатли ёшларимизни, қалб тўла меҳри, улуғ фазилатлари билан хонадонларимиз устунли бўлиб келаятган хурматли опа-сингилларимизни, ҳар бир ишда дуоғўй бўлиб, бизга Яратгандан куч ва мадад тилаб турган мухтарам отахон ва онахонларимизни, дунёнинг қайси ўлкасида бўлса ҳам, Ўзбекистон соғинчи билан яшаётган азиз ватандошларимизни, бир сўз билан айтганда, 36 миллионли бутун халқимизни бугунги улуғ байрам билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Истиқлол айёми барчамизга муборак бўлсин!  
Кадрли дўстлар!  
Албатта, Ўзбекистон ўз суверенитети, давлат мустақиллигига осонлик билан эришгани

йўқ. Бу йўлда аждодларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнгги бир ярим аср давомида деярли тўхтамади. Хуррият учун курашган кўплаб Ватан фидойилари қатағон этилди, истиқлолга интилган миллиат қахрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлди.

Биз юрт озодлиги йўлида курашган, ноҳақ айбланиб, бу дунёдан армон билан кетган ватандошларимизнинг пок номларини тиклашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Сўнгги уч йилда уларнинг 856 нафари Олий суд томонидан оқланди. Биз бундай эзгу ишларни албатта давом эттирмадик. Зеро, бу масалада адолат қарор топши шарт.

Ўтмишга назар ташлар эканмиз, аччиқ бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: “Ўзбек” деганда, фақат эртаю кеч пахта даласида меҳнат қилаётган захматқаш инсонлар тасаввур қилнар эди. Афсуски, шу даражага тушиб қолган эдик.

Пахта ҳукмронлиги ўзбекнинг пешонасига ёзилган бало бўлди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инкирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди. Оқибатда бир неча авлод чаласавод бўлиб вояга етди. Биз бунинг асоратлари билан халигача курашяёмиз.

Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти таъминлари жорий этилиб, соҳа ўз эгасини топди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди, тадбиркорлар пахта “ўлоғини”дан озод бўлди, мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўзбекистон халқаро “қора рўйхатлар”дан чиқарилди.

Барчамизнинг фидокорона меҳнатимиз, ғайрату шижоатимиз билан Янги Ўзбекистон орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда. Халқаро майдонда Ватанимизга нисбатан ҳурмат ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Президент сифатида дастлабки ишларимдан бири қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш бўлди. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга чиқди.

Кадрли юртдошлар!  
Сиёсий мустақиллик замирида энг аввало иқтисодий мустақиллик ётиши ҳеч кимга сир эмас. Охириги йилларда амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз бу йўлда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Сўнгги 6 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбиркорлик субъектлари сони 2 қарра кўпайгани, саноатдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани бунинг яққол тасдиқлайди.

Қисқа муддатда камбағалликни 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришдик.

Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимизни шу асосда ташкил этишимиз керак. Чунки, келажак бугун биз ташлаётган қаламлардан бошланади.

Азиз дўстлар!  
Биз мутафаккир зотларнинг: “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахтли-саодатли қилишдир. Бу мақсадга эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида эришилади”, деган ҳикматли сўзларини ўзимиз учун дастур деб биламиз.

Маълумки, биз бир йил аввал тараққиётимизнинг 5та асосий йўналишини белгилаб олган эдик. Унда таълим соҳасини ривожлантириш биринчи галдаги устувор вазифа сифатида қайд этилган.

Мен доимо таълим, таълим, муаллим, муаллим, деб таъкидлашим бежиз эмас. Чунки таълимни ривожлантирмасдан туриб юксак тараққиётга эриша олмаймиз. Ҳар қандай муаммонинг ечими ҳам, эртанги кунимизни ҳал қилувчи омил ҳам, шубҳасиз, таълимдир.

2022 йили мамлакатимизда 72та янги мактаб қурилди, 279та сир капитал таъмирдан чиқарилди, 514та мактаб инглиз тили мутахассислари болаларимизга дарс беради. Бошланғич синф ўқувчилари илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган янги дастур ва дарсликлар бўйича ўқий бошлайдилар.

Худди шу каби, соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ва ёқилғи-энергетика муаммоларини ҳал этиш юзасидан катта лойиҳалар бошланган. Яна бир бор таъкидлайман: ушбу белгиланган устувор йўналишлар бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Хурматли байрам иштирокчилари!  
Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати билан улкан хисса қўшганига гувоҳ бўламиз.

Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюқ фазилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яшамоқда.

Тошкент шаҳрида 31 август кунини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги катта тантана қилинди.

Байрамда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни бу қутлуғ сана билан табриқлади.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган даврда Ўзбекистон турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланишини таъкидлади.

– Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар қунлик меҳнатингиз Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами – барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбари ўз нутқида бугун мамлакатимиз олдида турган муҳим масалаларга жамоатчилик эътиборини тортиди. Экологияни асраш, сув, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси долзарб экани қайд этилди.

– Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойлиқдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз шарт, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Яна бир муҳим вазифа – жамяят ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратиш экани таъкидланди. Бу ҳақда гапирар экан, Президент маърифатпарвар бобоим Абдурауф Фитратнинг “хотин-қизлар – бу “миллат оналаридир” деган сўзларини ёдга олди.

### ВАҚТНИ – ИМКОНИАТГА, ИМКОНИАТНИ – ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРА ОЛГАН ХАЛҚ – БУЮҚ ХАЛҚДИР

Албатта, халқимиз мустақилликка, бугунги фаровонликка осонлик билан эришмаган. Бу йўлда аждодларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнгги бир ярим аср давомида деярли тўхтамаган. Истиқлолга интилган миллиат қахрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлган. Мамлакатимиз мустақиллиги тўғрисида уларнинг пок номлари тикланмоқда.

Мустақил тузум даврида халқимизнинг ери, кучи, бор салоҳияти фақат деҳқончиликка йўналтирилди. “Ўзбек” деганда, фақат эртаю кеч пахта даласида меҳнат қилаётган захматқаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инкирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди.

Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти таъминлари жорий этилиб, мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди. Ўзбекистон халқаро “қора рўйхатлар”дан чиқарилди.

Сиёсий мустақиллик замирида энг аввало иқтисодий мустақиллик ётиши ҳеч кимга сир эмас. Меҳнат ва машаққатлар билан бу асос мустаҳкамланиб бормоқда. Сўнгги 6 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбиркорлик субъектлари сони 2 қарра кўпайгани, саноатдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани бунинг яққол тасдиқлайди.

– Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимизни шу асосда ташкил этишимиз керак. Зеро, келажак бугун биз ташлаётган қадамлардан бошланади, – деди Президент.

Мамлакатимиз интиляётган тараққиётнинг асоси таълим экани таъкидланди, бу соҳада қилинаётган ишлар қайд этилди.

– Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати билан улкан хисса қўшганига гувоҳ бўламиз. Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюқ фазилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яшамоқда. Мен ишонаман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом эттиришга ҳар томонлама қодиримиз, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Инсоният охириги йилларда қаттиқ синовлар билан юзма-юз келгани, бунда иродаси мустаҳкам ва бирлашган халқлар барқарор ривожланиши таъкидланди.

– Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – ватанимиз, – деди Президент.

Халқимиз ҳамиша тинчлик тарафдори бўлиб келгани, олис ва яқин мамлакатлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилишига уруғ берилди.

Олдиндаги вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни элимиз биргаликда ҳал этишга қодир экани таъкидланди.

– Тарихдан маълум: вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворида айлантириш олган халқ – буюқ халқдир. Бугун меҳнатқаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз аини шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз бу йўлда фидокорона меҳнат қилиб келаятган юртдошларимизга, бутун халқимизга миннатдорлик билдирди.

– Барча ютуқ ва галабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимиз ҳамиша омон бўлсин! Гузал юртимизда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин! Жонажон Ватанимизга кўз тегмасин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин, – дея сўзини якунлади Президент.

Байрам катта концерт дастури билан давом этди. Унда эркесвар аждодларимиз орзуси, бугунги озодлик шуқуқи, халқимизнинг келажакка ишончи ва умидлари ифодаланди. Мамлакатимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган мард ўғлонлар хотираси ёдга олинди. Мумтоз куй-қўшиқларда халқимизнинг бой санъати ва қадриятлари, фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқишларида Ўзбекистон турли маданиятларини бирлаштирган макон экани ёрқин намоён бўлди.

Тантанали тадбир телевидение ва интернет орқали тўғридан-тўғри намоиш этилди.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги байрам тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

### Абдулла ҚОДИРИЙ

Кел эй миллат, бир кун бир маслаҳат билан қарор ўлсун, Бу кундин ўтган ишларга пушаймон бирла ор ўлсун.

Қилайлик бул кунни хайрат ҳама бирдан қилиб ҳиммат, Жаҳолат чўл саҳросида минбаъд сабзавор ўлсун.

Бу нодонлик биза қилмиш эди тўрт фаслни кишдек, Жаҳонни зимистони дўноб фасли баҳор ўлсун.

Аяшмай қумуш-олтунни ҳамма боёнлар асло, Солиб дорилфунунлар ҳам макотиблар ҳазор ўлсун.

### МИЛЛАТИМГА БИР ҚАРОР

Ўқушун миллат авлоди бизни доим дуо айлаб, Қилиб тахсил улумларни фунуна яхши ёр ўлсун.

Очайлуқ жамиятлар, қўб йиғайлик ҳам иноятлар, Ки токи ятим ва бечора бекаса мадор ўлсун.

Неча чоғлар бўлбурқим, қочибмиз биз тараққийдин, Бу кун бир илтифот бирдан бу йўлга бир гузор ўлсун.

Жаҳолат сассиги бизни ҳамиша беҳузур этди, Бу кун илмнинг бўйи бирдан димоғлар мушқибор ўлсун.

Бизнинг жоҳиллигимизни кўриб ул шод бўлганлар, Кўриб машғулиятимизни илмга шармисор ўлсун.

Кимиким журъат айлаб, бул қаломларга амал қилса, Жаҳонда исми ани пахлаван номдор ўлсун.

Бу кун мен сўзладим оз нутқ сиза то Қодир ўлгунча, Илоҳи айласун таъсир шу сўз сизга бақор ўлсун.



31-avgust – Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni

# ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI DAVLAT MUSTAQILLIGINING ЎTTIZ IKKI YILLIGIGA BAQISLANGAN TANTANALI MAROSIMDAGI HUTQI

Boshlanishi 1-sahifada

Мен ишонаман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом эттиришга ҳар томонлама қодирмиз. Бугунги кунда дунё харитасида тутган ўрнимиз, ўз олдимизга қўйётган жуда улкан мақсад ва марраларимиз ҳам айнан шуни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз транспорт-логистика тизими билан бирга, бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган илм-фан, инновация, IT ва аклий меҳнатга асосланган бошқа соҳаларни жадал ривожлантиришга устувор аҳамият қаратяпмиз. Айнан шу йўналишлар Ўзбекистон иқтисодиётининг яқин келажақдаги асосий локомотивларига айланади.

Мухтарам дўстлар!  
Бугун бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим масала – экологик муаммолар ва сув танқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги турган бўлса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи турибди.

Бизнинг вазифамиз – ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлашдан иборат. Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

Бу борада сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Биз учун “яшил” ва рақамли технологиялар, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди.

Қадрли юртдошлар!

Янгилашган Конституциямизда Ўзбекистоннинг дунёвий давлат ва турли маданиятларни бирлаштирган макон экани аниқ белгилаб қўйилди. Бизнинг куч-қудратимиз – мана шунда, биз бу бойликни кўз қорачигидек асрашимиз керак. Тарихга қарайдиган бўлсак, асрлар давомида юртимизда турли хил эътиқод ва қарашлар, динлар, маданиятлар бағрикенглик билан қабул қилинганини кўраимиз.

Биз – низоларни уруш билан эмас, тинчлик билан ҳал этиш йўлини танлайдиган халқмиз. Биз барча халқлар билан ҳамшиша муросан маддара, дўстлик ва ҳамкорликда яшаб келганмиз. Бугунги тараққиёт йўлимизда ҳам айнан шу тамойилларга таянамиз.

Бизга, биринчи навбатда, кучли фуқаролик жамияти зарур, чунки ҳар қандай ислоҳот ҳар биримизнинг юрагимиздан, онгимиздан бошланиши лозим. Адолатли қонунлар бўйича виждонан яшашга тайёр бўлишимиз, мамлакат келажиги учун бир ёқадан бош чиқариб, олга қадам босмоғимиз керак.

Бугун ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақида гап борар экан, буни сўз ва матбуот эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун дунёда журналистлар ўзлари ва жамиятни ўйлантираётган, хавотирга солаётган мавзулар ҳақида гапириш ва ёзиш ҳуқуқи учун, ҳақиқат учун курашганлар ва бундан кейин ҳам курашадилар.

Аммо, ишонч билан айта оламаники, мен эркин фикрли журналистлар тарафида бўлганман ва доимо шу позицияда бўламан. Айни вақтда ахборот маконида ҳаққонийлик ва ҳолислик бош мезон бўлиши керак.

Хурматли байрам катнашчилари!  
Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, “**хотин-қиз-**

**лар – бу миллат оналаридир**”. Улар миллатнинг янги насли – фарзандларини тарбиялаш учун ўзлари ҳам юксак билимли бўлишлари зарур.

Шундай экан, олдимизда турган яна бир муҳим вазифа – жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратишдир. Хурматли хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, касб соҳаси бўйича ўсишини таъминлаш борасида ўтган даврда кўп ишларни амалга оширдик. Шу билан бирга, бу йўналишда қиладиган ишларимиз ҳам оз эмас.

Маълумки, мухтарам аёлларимиз зиммасида хизмат соҳасидаги вазифасидан ташқари, фарзандлар тарбияси, оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ахлоқий-маънавий анъаналарни давом эттиришдек мураккаб вазифалар ҳам бор. Шундай экан, меҳрибон опа-сингилларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, арзийди.

Мана, бу йил оиладаги зўравонликка қарши қонунни қабул қилдик. Бундан қўзланган асосий мақсад – оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг бахти ва ҳимоясини таъминлашдир. Биз бу йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

Азиз юртдошлар!  
Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билимоғи керак!

**Биз бу бўлсак – ягона халқмиз, бир-лашсак – Ватанмиз!**

Хурматли юртдошлар!  
Исоният охириги беш-олти йил мобайнида сўнгги юз йил давомида ўз бошидан ўтказиши мумкин бўлган барча синовлар билан юзма-юз келгани сизларга маълум.

Бу пандемия бўладими, табиий офатлар, зилзилалар бўладими, қуроли тўқнашувлар, глобал иссиқлик ҳамда курғоқчилик бўладими – барчаси башариятни қаттиқ синовдан ўтказди ва ўтказмоқда. Мазкур мураккаб вазиятни, таъбир жоиз бўлса, кучли ва қаттиқ тўфонга киёллаш мумкин.

Бундай офатлар оқибатида “манаман” деган дарахтларнинг ҳам барглари узилиши, шохлари синиши, қуртаклари тўкилиши, хатто мевалари нобуд бўлиши мумкин. Лекин илдири мустаҳкам ва чуқур бўлган дарахтлар йиқилмайди. Аксинча, ерга ўша томирлари билан янада маҳкам боғланади. Қайта қуртқ эзади, мевалар тугаверади. Бу – ҳаёт қонуни.

Бизнинг қадимий ва мустаҳкам илдишларимиз бор. Бу – бизнинг тарихимиз, қадрият ва анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий ўзгичимиздир. Мен ана шу теран илдишларимизда юртни, миллатни бирлаштирадиган буюк бир ғояни кўраман.

Биз Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлигини таъминлашнинг ишончли қафолати бўлган Қурулди Кучларимиз салоҳиятини оширишга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун янада муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари, айниқса, кўпчи давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқамиз. Бу борада мамлакатимиз ва хорижий давлатлар дипломатларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда хорижий давлатларнинг хурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этаётганидан мамнун эканимни билдириб, уларнинг мам-

лакатлари ва халқларига тинчлик ва равақ тилаймиз.

Азиз ва мухтарам ватандошлар!  
Барчангиз бир ҳақиқатни билишингизни истардим. Бизнинг жамияти саъй-ҳаракатларимиз мамлакатимиз равақи учун, ўз Ватанига садоқатли халқимиз учун, сизлар учун, азиз юртдошлар!

Бугун олдимизда турган вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни бир-галикда ҳал этишга кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

**Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

**Тарихдан маълум: вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворида айлангирга олган халқ – буюк халқдир. Бугун меҳнатқаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айни шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда.**

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча юртдошларимизга, она халқимга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сиз, азизларни, каттаю кичик барча ватандошларимни бугунги улуг айём – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилаймиз.

Барча ютуқ ва галабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимиз ҳамшиша омон бўлсин! Гўзал юртимизда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин!

Жонажон Ватанимизга кўз тегмасин!  
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Dil izhori

**Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.**

## ВАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ШАҲИД КЕТГАНЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТДИР

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Куръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Мустақиллик кунларида миллатимиз ойдинлари хотирасини эъзозлаш, хизматларини эслаш яхши анъана. Чунки улар халқимиз озодлиги учун, бугунгидек эмин-эркин кунлар учун интилган эди. Бу сана Ватанга фидойилик унутилмаслигини, ҳамшиша қадрланишини аналтади.

Мустабид тузум даврида юртимизда минг-минглаб одамлар қатағонга учраган. Оилалари хонавайрон бўлиб, болалари етим қолган. Биргина 1937-1938 йиллардаги қатта киргин даврида 7 мингга яқин ватандошимиз отилган.

Ҳозирги хиёбон шундай қатллар ижро этиладиган муҳдиш жой бўлган. Мустақиллик йилларида у обод масканга айлантирилди. Бу ерда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг филиаллари ташкил этилди. Айни пайтда музейда Туркистон маърифатпарварларига бағишланган кўргазма очилган.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Куръон тиловат қилинди.

– Ҳар сафар бу ерга келиб, халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган жасур боболаримизни эслаб, кўнгилимиз таскин топади. Уларни хотирлаш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қатағон қилинган етакчиларимизнинг тақдир барчамизни мустақиллигимизни қадрлашга, уни асраб-авайлашга ундайди. Мана шундай мустақилликда, тинчликда яшашнинг ўзи Аллоҳ таолонинг қатта марҳамати, неъматидир. Бунинг учун шукроналик билан, унинг қадрига етиш керак, – деди Президент.

– Музейлар қилдик, артиблар чикаяпти, кўпчилиги оқланяпти. Лекин шу билан унутилиши керак эмас. Менинг назаримда, қатағон қурбонлари туғилиб ўсган эҳи бугун авлодлари яшаётган маҳаллада, ўша ердаги мактабда уларнинг номларини ёзиб қўйсак, ҳам савобли, ҳам ибратли иш бўларди. Қолаверса, мана шундай байрамларда, хотира кунларида хонадонларини зиёрат қилиш керак. Нега уруш қатнашчиларини уйига борамиз, қатағон қурбонларини эсламаймиз?! Уларнинг ҳар бирининг ҳаёти – қахрамонлик. Биз буни ўрганиб, ташвиқот қилиб, ёшларимизга етказишимиз керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддиларга жадид боболаримиз тарихини ўрганаётган тадқиқотчиларга мақсадли грантлар ажратилиш, улар ҳақида хужжатли ва бадиий фильмлар олиш, матбуот ва интернет нашрларда материаллар чоп этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Халқимиз у даврни яхши билиши, фахрланиши керак. Ёшлар “Бизнинг боболаримиз истиклол орзусида курашган, ўзини аямаган, биз мустақиллик учун нима қилаяпмиз” деб ўзига ақол бериши зарур. Мустақилликнинг мустаҳкам замини нима ўзи? Аввало, ватанпарварлик, билим, маънавият. Жамиятимизда ана шундай ватанпарварлик руҳини, шукроналик руҳини кучайтиришимиз керак, – дед таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу монумент она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнатқаш, қахрамон халқимиз шарафига қўйилган обиди. У Президентимиз гоёси асосида давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Мамлакатимиз ҳаётидаги улкан воқеалар, хорижий ташрифлар чоғида бу ерга гул қўйиш анъанага айланган.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

ЎЗА

## МЕН УЧУН КАТТА ШАРАФ



Давлатимиз раҳбари “Халқни рози қилиш”дек ўта муҳим шиорни илгари сурди. Дарҳақиқат, ҳар қанча тараққиёт ривожга эришишдан, бу йўлдаги ҳар қандай саъй-ҳаракатлардан мақсад-муддао – аҳоли турмушини фаровонлаштириш, дарду ташвишларини қамайтириб, шодлигу қувончларини ошириш. Ва шундай бўлди ҳам – халқнинг муаммоларини тинглайдиган махсус маҳкамалар жорий этилди, қатланиб ётган ижтимоий муаммолар, кўнгиллардаги тугунлар ечила бошлади. Нурули истикболга ишонч уйғонди. Ўзбекистонни, ўзбек халқини дунё таниди, тан олди. Одамлар ўзларини Парвардигори олам табарруқ қилиб яратганига имон келтириб, инсоний қадр-қиммат нима эканини англай бошладилар. Илло, шунчаки англаш, баҳраманд бўлиш яхши, лекин кадрларнинг қадрига етиш, яратилган имкону имтиёزلарни, ғамхўрлигу ҳимояланган ҳақ-ҳуқуқларни суниестемол қилмаслик маъсулияти ҳам бор-да. Қадрига етиш учун, олам бирданга гулистон бўлиб қолмаслигини, аввалги даврларнинг эмас, кечаги кунларни ҳам унутмаслик учун эса, инсоф, сабр, қаноат, шукр деган қоидалар синовдан ўтиш зарурлиги тайин. Бунинг учун эса, маданият, маърифат, маънавият сабоқларини ўзлаштириш тақозо этилади.

## БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН

Қўлига қалам тутган аёлнинг ҳаёти ҳеч қачон силлик кечмаган: ҳаёт ўзининг мураккабликлари, синовлари, дарди ва шу дардини қозоғга туширишдек ижод машаққатларини унинг зиммасига қўлайди. Тўғриси, тақдир менга мана шундай ҳаётни насиб этганига доим шукр қилиб келганман.

Дард чекканимда ҳам, қувончдан бошим қўққа етганида ҳам Сўзга суяндим. Қисматимга битилган сўз айтиш дарди баъзан оғир ботса, баъзан малҳам бўлиб, мени олға ундади, яшашга чорлади. Шукрки, адабиётнинг, сўзнинг чин мухлислари бисёр. Улар шоирнинг қалб туйғуларидан яралган мисралардан малҳам топадилар.

Айниқса, кейинги йилларда адабий учрашувлар, шеърят айёмлари, анжуманларида иштирок этарканман, ёшларнинг ёниқ кўзларини кўриб, қалбим таскин топади. Шеър ёзаётган, ёзганда ҳам сўзидан учкун сачраган ёшлар бизнинг гуруримиздир. Бу – чин маънода мустақиллик

Не тонгики, ижодкорларнинг бу борадаги қуйинишлари, фидойилиги, ватанпарварлиги, миллатпарварлиги ҳар доим ҳам хуш қабул қилинавермаган. Не бахтки, кейинги йилларда қалам аҳлига ўнг кўз билан, ҳақиқий зиё тарқатувчи тоифа сифатида қараш юзага чиқди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Учинчи Ренессансга ҳам Янги Ўзбекистонда пойдевор яратиш ташаббуси кўрсатилди ва бу ғояни амалга ошириш учун илму фан аҳлига барча шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Китобхонликни қайта йўлга қўйишга, шу билан бирга, бадиий ижодга, ижодкорларга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам ҳаммага яхши аён. Ҳар йили Мустақиллик байрами олдида давлат муқофоти билан тақдирланадиган турли соҳа вакиллари сафидан ижод аҳлига ҳам нуфузли ўрин ажратилишини ана шу ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодаси деб биламан.

Мен гарчи кўп йиллар пойтахтда, вилоят марказида турли вазифаларда ишлаган бўлсам-да, анча вақтлардан бери туғилиб ўсган гўшам – Андижоннинг бир чеккасидаги Гуркиров кишлоғида яшайман. Шунга қарамай, баҳоли қудрат яратган битикларимнинг китобхонлар, адабий жамоатчилик назарига тушиб, умумий ўрта таълим мактабларининг дарслигига, давлатимизнинг юксак муқофотларига лойиқ кўрилиши мен учун катта шараф бўлиши билан бирга, янада дурустқас асарлар ёзиш, халқимизга, ватанимизга – Янги Ўзбекистонга янада астойдил хизмат қилишдек улкан маъсулиятни оқлайди, айни вақтда, илҳомлантиради, руҳлантиради.

**Қамчибек КЕНЖА,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси



рак бўлсин, дейман.

**Ҳосният БОБОМУРОДОВА,**  
“Эл-юрт ҳурмати”  
ордени совриндори



Айни кунларда Ўзбекистон Мустақиллигининг ўттиз икки йиллик муносабати билан Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида давом этаётган “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун” шиори остидаги “Маънавият фестивали” доирасида Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги “Келажақ нури” ахборот-ресурс марказида, Фарғона давлат университетига, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани “Маънавият маскани”да академик Оқил Салимовнинг “Янги Ўзбекистон давлати” номли китоби, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тайёрланган “Янги Ўзбекистон” плакатлари ҳамда “Янги Мўйнок” китоб-альбоми тақдимоти бўлиб ўтди.



мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртиларида таълим оломоқда.

“Янги Мўйнок” китоб-альбоми инсон онги ва тафаккуридаги ўзгариш ҳаётни тубдан ўзгартира олишига ишора беради. Жамиятдаги янгиланишлар, ислохотлар самараси тўғрисидаги илмий асарларда акл инновациясининг алоҳида ўрни борлиги, аниқ мисоллар ва таҳлиллар билан далиллаб кўрсатилган.

“Янги Мўйнок” китоб-альбоми Мўйнок туманининг ўтмиши ва бугунги, тарихий ўзгаришлар ва эришилган ютуқларига бағишланади. Мазкур китобда ўтган аср ўрталарида Орол денгизининг қуриб бориши оқибатида келиб чиққан муаммолар, Янги Мўйноқда қад рўстланган замонавий уйлар, ҳибон ва меҳмонхоналар, боғча-мактаблар, янги корхоналарда маҳаллий ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотлари, худудда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар ўз аксини топган.

Бир сўз билан айтганда, Мўйнокнинг бугунги кийимси чўлни гулистонга айлантирган қорақалпоқ халқининг мардона меҳнати натижасидир.

2022 йили туман аҳолисига иккита қишлоқ врачлик пункти, учта оилавий поликлиника, битта кўп тармакли марказий поликлиника, жами олти амбулатория-поликлиника муассасалари хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, марказдан узок “Орол” маҳалласида инновацион телемедицина ташкил этилган фавқуллода юнгилик бўлди. Мўйноклик беш юз нафардан зиёд ёшлар давлатимиз раҳбарининг шахсан кўллаб-қувватлаши ва берилган имтиёزلардан фойдаланиб

Сайёра ТҮЙЧИЕВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, шоира

## ИККИ АСАР ТАҚДИМОТИ

Таникли олимлар Қаҳрамон Куронбоев, Минхожиддин Мирзо масъулигида чоп этилган академик Оқил Салимовнинг янги китобида Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги янги конституциявий макон, маърифатли жамият барпо этиш йўлидаги самарали сайё-харакатлар ҳаётий далиллари асосида ифода этилган. “Янги Ўзбекистон” плакатлар тўпламида янгиланиш суратлари, эзгу ғоя ва ташаббусларнинг амалий исботи акс этган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси раиси, академик Оқил Салимовнинг асарига Янги Ўзбекистон давлати ва унинг феноменал асослари ҳақида теран мулоҳазалар баён этилган. Китобнинг “Ижтимоий давлат одимлари”, “Маърифатли жамият сари”, “Янги Ўзбекистон жаҳон меҳарида” деб номланган қисмларида янги типдаги ҳаёт, назарий-фундаментал ва амалий жиҳатдан янгиланган давлатчилик асосларининг юзага келиши, бошқарув тизимида очиллик муҳитининг реал воқеалик айланиши билан боғлиқ жараёнлар ёритилган.

Муаллиф Ўзбекистоннинг энг янги тарихида Ренессанс даври бошланганини, бу давр давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бошланган “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” Концепциясига асосланиши, халқни рози қилиш давлатчиликнинг асосий тамойилларидан бирига айлангани, таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг

ягона тўғри йўли эканини алоҳида таъкидлайди.

Олимнинг ҳаётий хулосалари давлатнинг умумпланетар тамойиллари, тараққиётнинг янги босқичларида акл инновациясининг алоҳида ўрни борлиги, аниқ мисоллар ва таҳлиллар билан далиллаб кўрсатилган.

“Янги Мўйнок” китоб-альбоми Мўйнок туманининг ўтмиши ва бугунги, тарихий ўзгаришлар ва эришилган ютуқларига бағишланади. Мазкур китобда ўтган аср ўрталарида Орол денгизининг қуриб бориши оқибатида келиб чиққан муаммолар, Янги Мўйноқда қад рўстланган замонавий уйлар, ҳибон ва меҳмонхоналар, боғча-мактаблар, янги корхоналарда маҳаллий ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотлари, худудда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар ўз аксини топган.

Бир сўз билан айтганда, Мўйнокнинг бугунги кийимси чўлни гулистонга айлантирган қорақалпоқ халқининг мардона меҳнати натижасидир.

2022 йили туман аҳолисига иккита қишлоқ врачлик пункти, учта оилавий поликлиника, битта кўп тармакли марказий поликлиника, жами олти амбулатория-поликлиника муассасалари хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, марказдан узок “Орол” маҳалласида инновацион телемедицина ташкил этилган фавқуллода юнгилик бўлди. Мўйноклик беш юз нафардан зиёд ёшлар давлатимиз раҳбарининг шахсан кўллаб-қувватлаши ва берилган имтиёزلардан фойдаланиб

## “ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК” ТАНЛОВИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-241-сон қарорига асосан она диёримизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улугвор янгиланишлар, ватанпарварлик, замондошларимизнинг эркин сиймолари акс эттирилган энг сара асарлар учун “Ватан учун яшайлик” танлови эълон қилинган эди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг ижодкорларини моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантиришда аҳамияти катта бўлиб, уларни янада маънавийлик билан ишлашга, изланишга ундаши табиий.

Жорий йилда танловга наср, шеър, драматургия, адабий танқид ва публицистика жанрлари бўйича 95 нафар муаллифнинг ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида 244та асари келиб тушди.

“Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган, “Инсонга эъ-

тибор ва сифатли таълим иили” мазмун-моҳияти, замондошларимизнинг фидокорона меҳнатлари, заҳматқаш халқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маърифат ва маънавият соҳаларидаги оламшумул ўзгаришлар, китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти тарғиботи, юртимиз ободлиги, миллий кадрларимиз ва ёш авлод камоли, миллий гуруҳ ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиклол ғоялари ҳаётини мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан гаранум этилган асарлар хайбат аъзолари томонидан холисона баҳоланди.

### “Ватан учун яшайлик” танлови ғолиблари

1-ўрин:  
1. **Мирализ Аъзам** – “Йўлсизлар” китоби учун.

2-ўрин:  
1. **Халила Давлетназаров** – қорақалпоқ тилидаги “Баҳраманлик” шеърини тўплами учун.  
2. **Абдуҷалол Раҳимов** – “Абу Али ибн Сино” номли роман-трилогияси учун.

3-ўрин:  
1. **Шарофат Ашурова** – “Дўмбира” номли ҳикоялар ҳамда “Қарши муқарнаси” бадний-публицистик китоблари учун.  
2. **Салим Ашур** – “Мангу эл” шеърини китоби учун.

3. **Баҳриддин Садриддин** – “Туллаган боғлар” номли шеърини ҳамда “Яхшидан боғ қолади” номли публицистик тўплами учун.

### Рағбатлантирувчи мукофотлар:

1. **Хусрав Саъдулло** – Заҳриддин Муҳаммад Бобур ғазалларининг тоқик тилига таржумаси учун.  
2. **Юсуфжон Алиқонов** – “Илму адаб жаҳоирлари” ҳамда “Шоҳ Машраб иҳлосмандрлари” адабий-маърифий рисоалари учун.  
3. **Зулфия Юнусова** – ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги “Хурлик фидойилари” воқеий кинесаси учун.  
4. **Тоир Рўзиев** – “Қиёфа” шеърлар тўплами учун.  
5. **Отабек Қувватов** – болаларга бағишланган “Шодийнинг гаройиб саргузаштлари” кинесаси учун.

### “Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танлови

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрами муносабати билан ўтказилган “Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танлови ғолиблари аниқланди.

“Ёзувчи ва шоирларнинг энг яхши бадний асарлари” номинацияси бўйича:

1-ўрин:  
**Азимов Абдуҷаҳит Абдуллаевич** — “Қиём палласи”, “Мангу йўловчи” ҳамда “Ўзбекларим” китоблари учун.

2-ўрин:  
**Қурамбаева Гуландам Қаримбаевна** — “Ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари” китоби учун.

3-ўрин:  
**Қўшмақов Маҳаммадали** — “Қадамнинг гуллар очилсин” публицистик тўплами учун.

### Dil izhori

## ТАҚДИРИМДАН МИННАТДОРМАН

Расомлик – чексиз хайрат, тасаввур, таассурот, мўъжизага бой санъат. Расом дейилганда умрини рангларга бағишлаган, калбидаги самимий туйғулар, фикрларини чизгиларда акс эттиришни чинакам илохий бир неъмат деб биладиган инсонни тушунаман. Мўйқалам эгаси сифатида танилдим, эл-юртда хурмат топдим, шоғирлар тарбиялаяман.

Куни кеча камтарона хизматимнинг давлатимиз томонидан эътироф этилиши кўнглиمنى чароғон қилди.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган улкан маърифий ислохотлар жараёнида халқимиз маънавиятини, тарихий кадрларга асосланган миллий тасвирий ва амалий санъатимизни юксалтириш ва мустақамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтмиш маданий меросимизни яратилган улкан ҳисса қўшган атоқли олимлар, дониш-

мандрлар, санъаткорлар ҳаёти ва улар қолдирган маънавий меросни чуқур ўрганиш, бу меросдан халқимизни, ёш авлодни, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятини баҳраманд этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тасвирий санъат ижодкорларининг имконият ва салоҳиятини тўла юзага чиқариш, рангтаъбир ва амалий санъат асарларининг юксак сифатини таъминлаш давлатимиз диққат-марказида турибди.

Кези келганда Ўзбекистон Бадний академияси академик сифатида Бадний академия томонидан тасвирий санъат соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, бой бадний меросини ҳамда Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида замонавий тасвирий ва амалий санъатда эришилаётган ютуқларини дунёга тарғиб этиш, ёш расомлар ва амалий санъат усталарини тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтмоқчиман.



Айни кунларда зиммамизда тасвирий санъатимизни янада ривожлантириш, дунёга кўпроқ танитишдек масъулиятни вазифа бор. Шундай экан, ғайрат билан ишлаш, инсон калбини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга мухаббат ва садоқат туйғусини бетакрор рангларда тараннум этишни ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган расомларимиз катори камина ҳам самарали ижод қилишда давом этган.

**Анвар МАМАЖОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси халқ расоми

## ҚАДРЛАНГАННИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

ги, қувончи дилимни шод этди! Нафақат ўзимнинг хонадонимда, балки жамоамда байрам бўлиб кетгани кўнглиمنى равшан қилди.

Бу йил театрд фаолиятимни бошлаганимга 19 йил тўларкан. Ўтган йиллар ичида устозларим, ҳамкасбларим мухаббат, ўғитлари билан навиҳол сингари ўсдим, гулдадам, пишдим. Мукофотим замирида қадрдон театримда олган тажриба мактабимнинг ўрни бениҳоят. Бундан буён ҳам театримизнинг жамоамизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Хурсандимнинг яна бир қувонарли томони шундаки, устоз санъат-

корлар билан ёнма-ён туриб, унвонни қабул қилиш бахти билан сийландим. Кўплаб мукофотланганлар қатори институтда ўқитган устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Мунаввара Абдуллаева “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирландилар. Устозимни ва бошқа тақдирланганларни ҳам мукофотлари билан қутлайман.

Касбидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига шундай кадр топишларини, юксак мукофотларни қўлга киритишларини тилаб қоламан!

**Дилноза КУБАЕВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Куни кеча Киночилар уйида атоқли Орипов ҳаёти ва ижодига бағишланган бадний фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. Унда жамоат арбоблари, адиб ва олимлар ҳамда шоирнинг шоғирдлари, ақиллари иштирок этди. Мазкур картина кенг маданий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бойси, замонамизнинг етуқ шоири, чинакам шахс Абдулла Орипов сиймосини экранга олиб чиқиш ғоят масъулиятли ва мураккаб

Ёзувчилар уюшмасининг 1964-1980 йилларга доир баённомалари, расмий ҳужжатлар, шоирнинг шахсий архиви ҳамда ёдномаларни кунт ила ўргандим. Шунингдек, фильмга маслаҳатчи сифатида бириктирилган шоирнинг рафиқаси Ҳанифа Мустафоева, жияни, адабиётшунос Абдураҳим Эрқаевнинг хизматлари, қимматли маълумотларини ҳам эътироф этиш лозим. Абдулла аканинг барча фарзандлари, айниқса, тўнғич қизи Рухсора Орипова бизга катта ёрдам берди, оталарига

## ШОИРНИНГ ЭКРАНДАГИ УМРИ

вазифа эди. Картина бўйича ўзимизни қизиқтирган саволлар билан фильм режиссёри Музаффархон Эрқоновга муносабат қилдим.

– Президентимиз Абдулла Орипов ҳақида фильм суратга олиш таклифини билдирганида, бу ташаббусни кенг жамоатчилик хайрхоҳлик ила қўл олганди. Чунки Абдулла аканинг шеърини қўйиб, ёддан билади. Табиийки, шундай машҳур ижодкор ҳақида фильм суратга олиш киноижодкорлардан алоҳида изланиш ва машаққатли меҳнат талаб қиларди.

– **Фильмини суратга олиш жараёни қандай кечди?**

– Дарҳақиқат, тарихий шахсларни экранга олиб чиқиш осон вазифа эмас, айниқса, у қариндошнинг бўлса, масъулият ҳисси икки қарра ортади. Олис мезгилда яшаган шахслар ҳақида фильм қилаётганда, кўп нарсани бадийлаштиришга бўлади, бироқ тарих қанчалик яқин бўлса, реаллик ҳам шунчалик ортади. Абдулла Орипов – замондошимиз, шоирини шахсан танийдим, биладиган шоғирдлари, дўстлари, фарзандлари орамизда. Демак, унинг ҳаёти, кечмишларини руйи кўришга керак, тирик гувоҳларни алдаб бўлмайди. Фильмининг суратга олишга киришар эканман, шоир шахсига доир кўп қўлаб маълумотлар, архив ҳужжатларини ўрганиб чиқдим, натижада унинг ижодига қизиқишим янада орди. Хусусан, Миллий архивимизда сақланаётган Ўзбекистон

тегишли неки ҳужжат, фотосурат ё китоб керак бўлса, опадан сўрадик.

– **Бош қаҳрамон Абдулла Орипов образини шоир Шодмонкул Салом ижро этган. Бу танлов қанчалик ўзини оқлади, деб ўйлайсиз? Фильмдаги бошқа қаҳрамонларни гавадланттирган актёрлар ижроси хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Абдулла Орипов образини таниқли шоир Шодмонкул Салом ижро этиши ўзини хос воқелик сифатида кўтиб олинди. Ҳўш, нега биз бош қаҳрамонни ижро эмас, шоирга ишониб топширдик? Назаримда, шоирнинг ички кечинмалари, руҳий оламни фақат шоиргина ҳис қилиши мумкин. Шу маънода Шодмонкул Салом Абдулла аканинг туйғуларини борича, табиий бўёқлар ила кўрсатиб берди. Яна ўйлашимча, Шодмонкул аканинг фитратан актёрликка салоҳияти бор, бунини шоирнинг дўсту биродарлари яхши билади. Унинг қиёфаси, феъл-усул сажияси, овози бир қадар Абдулла акага яқинлиги, шоир руҳияти, ҳолати кечинмаларини теран ҳис қилиши образини ижро этганида ҳам бундайин самимият, туйғулар ичкилиги, характер жозибасини ифода қилиши мумкинми?!

Шодмонкул Саломнинг ижроси Ҳанифа аяга ҳам маъқул бўлди, фильмининг қўзда ёш ила каминани кўнгириқ қилганида, меҳнатларим бесамар кетмаганидан қувондим.

Шоирнинг болалигини ангреллик Жаҳмурбек, кексалик йилларини эса Сурхондарё театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қудрат Бурхонов ижро этишди. Улар ҳам ўзларига юклатилган вазиранни сўхидилдан бажаришди, Абдулла Орипов шахсиятининг энг дақиқ, нозик нуқталарига кириб боришга ҳаракат қилишди. Қолаверса, картинадаги асосий типик образини таниқли актёримиз Муҳаммадали Абдуқундузов маҳорат билан ижро этган.

– **Жорий йилнинг март ойда фильмнинг махсус намойиши бўлиб ўтган эди. Унда картинани янада бойитиш бўйича таклиф ва тасвиялар билдирилганми. Ушбу мулоҳазалар қай даражада инобатга олинди?**

Авалли талқинда билдирилган барча таклифлар асосида фильмни янада такомиллаштирдик. Хусусан, шоирнинг мустақиллик йилларидаги ҳаёти, фаолиятига кенг ўрғ берилди. Миллий мустақилликимизнинг қўлга киритилиши, давлат мадҳиясининг ёзилиши, “Наврўз” байрамининг халқимизга қайтарилиши ва бу жараёнларда шоир кўрсатган жонбозликлар, “Зомин” семинарига асос солиниши, “Соҳибқирон” драмасининг ёзилиши ва унинг Миллий театримизда сахналаштирилиши, шоирга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонининг берилиши сингари тарихий лаҳзалар фильмда ўз ифодасини топди. Абдулла Орипов сиймосини халқимизга янада яқинлаштирадиган, шоир шахсининг турли қирраларини очиб берадиган бадий фильм яратилди, деб ўйлайман. Эндликда, Абдулла Ориповга бағишланган бир неча қисмли телесериал олишни режалаштирилди. Бунда шоир ҳаёти ва ижодини янада кенгроқ қамраб олашимиз, деган умиддаман.

Умида ЯХШИБОЕВА



Зеро, бундай қутлуғ кунларга мени жамоамнинг мухлисларимнинг эътирофи етаклаб борди. Мукофот эълон қилинган илк дақиқалардаёқ яқинларим, мухлисларимнинг табри-

Ko'rgazma zallarida



Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" деб номланган экспозиция Ватанимиз мус- тақиллигининг ўттиз икки йиллик байра-

ЯНГИ ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

мига бағишланди. Экспозициядан санъат усталарининг сўнги йилларда яратган икки юз элликдан зиёд рангтасвир, графика, хайкалтарошлик ва амалий санъат асарлари ўрин олган. Байрамонга тус олган тадбир уч авлод вакиллари ижод намуналарини бир-бирига қиёслаш, таҳлил этиш имкони- ни берди. Ў.Турсунназаровнинг "Рапкон шамоли", С.Абдуллаевнинг "Расадхонадан қайтиш", Б.Назаровнинг "Қиз портрети", А.Икромжоновнинг "Саховат", Я.Салпин- кидининг "Чимён тоғи этаклари", "Хумсон манзараси" сингари асарлари мавзу ва ранг- лар мутаносиблиги билан ажралиб туради. О.Намозовнинг "Оҳангли йўл", "Акс", Мурод Қорабобоевнинг "Жазирама", "Бош",

"Қизил трубка", Жамол Усмоновнинг "Ҳаёт тугунлари" сингари ишларидаги содда ва мураккаб шакллар уйғунлиги то- мошабинларни қувонтиради. Эркин Орол- нинг "Ота уйимиз", "Балоғат" каби мил-

лий аъёналар акс этган асарлари санъат мухлисларига байрам тухфаси бўлди. Кўргазманинг фаол иштирокчиси ку- лол С.Бойматовнинг кулолчилик ишлари, Ф.Пошаев ва Ш.Шарипованинг "Нукта" каби хайкалтарошлик ишлари гаройиб шакли шамойили билан томошабинлар- га манзур бўлди. Мухлислар Республи- ка ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчилари, жумладан, В.Мазитовнинг Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишланган "Араб тангоси", "Дала гуллари", З.Исломшиқовнинг "Рас- сом Бурмакин" номли портрети ва турли услубдаги тарихий либос намуналаридан баҳра олдидлар.

\*\*\*

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ҳам байрамга бағишланган кўргазма ташкил этилди. Ундан Ўзбекистон Миллий банки захирасида сақланаётган йигирманчи асрнинг биринчи ярмидан ҳозирги кунгача ишланган бир юз йигирмадан ортик портретлар ўрин олган.

Маълумки, ҳар бир давр инсон қиёфасида маълум фазилатларни ажратиб кўрсатиши билан из қолдиради. Портретда нафақат инсон қиёфаси, балки унинг яшаш тарзи, уй-ҳаёл- лари акс этади, образда замон ва макон уй- гунлиги ўз ифодасини топади. Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбековнинг "Шах- зода-II билан автопортрет", Татьяна Лининг "Ҳайкалтарош Азамат", Зебинисо Шарипова- нинг "Тунги куш", Абдулқодир Юсуповнинг "Уруш қаҳрамонлари" сингари турли услубда яратилган портретлари мухлислар эътибори- ни тортиши шубҳасиз.

Сарвара ҚОСИМОВА

Gul ko'p, chaman ko'p...



ОПА-СИНГИЛ БРОНТЕЛАР

Ижод оламида ўзига хос из қолдирган Эмили, Энн ва Шарлотте Бронтелар аслида беш опа-син- гил эди. Иккита каттаси ўсмирлик чоғида ҳаётдан кўз юмган. 1824 йилда Мария, Элизабет, Шарлотта ва Эмили Кауан-Бриждаги қизлар мактабига қа- бул қилинган. Уларга отаси Патрик Бронте барча шароитларни яратиб берган.

ЎЗГАЧА ОЛАМЛАР

Қизлар болалиқдан адабиётга меҳр қўйишади. Улар биргаликда ҳиссалар, шеърлар, новелла ва хикоялар ёзишади. Ҳатто кўлэмаларни ўзлари ки- тоб қилишади ва ҳаёлий Ангрия деб аталмиш ўлка ҳақида кўплаб хикоялар ёзишади. Эмили билан Энн яна бир олам – тўрт қиролликдан иборат Гон- дал ўлкасини ўйлаб топадилар.

БИРИНЧИ УРИНИШ

Опа-сингил Бронтеларнинг китоблари аввали- га эркакча таҳаллус билан эълон қилинган, ўша вақтларда яхши оилаларнинг қизлари бадий ижод билан шугулланмаган – бу эркаклар юмуши ҳисоб- ланган. Мабодо эъсалар ҳам оила ташвишлари, муҳаббат моҳаролари ҳақида калам тебратиб, ёз- ганлари тор доирада тарқатилган.

1846 йилда улар ўзларининг ҳисобидан исмлари- ни ўзгартириб, Каррер, Эллис и Эктон Беллар таҳаллуси билан шеърлар тўпламини чиқариша- ди. Аммо китобнинг фақат икки донаси сотилади, холос. Бу муваффақиятсизлик қизларни умидсиз- ликка туширмайди, балки насрога қайтишга омил бўлади. Бир йил ичида улар романлар ёзишиб, нашр қилишади. Асарлар орасида "Жейн Эйр" ро- мани катта ютуққа эришади ва бошқа асарлари бу романининг соясида қолади.

БИРГИНА ШАРЛОТТА ТУРМУШГА ЧИҚҚАН

Шарлотта Бронтега кўпчилик оила қуришни таклиф қилган, аммо уларнинг барчаси қатъий рад этилган. Чунки у ўзини оила қуриш учун ярал- маган, деб ҳисобларди. Шунингдек, феъл-атвори оғир, инжиқ эди, аммо укаси ва сингилларининг вафотидан кейин бутунлай ёлғизлиб қолади. У туғилган уйда яшайди. Аммо руҳоний Патрик унга ўзи истагандай таянч бўлолмади, турмушга чиққач, кўп ўтмай ўзи ҳам, қақалоги ҳам ҳаётдан кўз юмади.

МУҲОКАМА

Шарлотта Бронте "Жейн Эйр" (1847) романини эълон қилганда китобхонлар хайрат билан қарши олсалар-да, танқидчилар бу асарни эркак киши ёз- ганми, аёл киши ёзганми, дея муҳокама қилишган. Шарлотта уларга: "Сиз учун мен на эркак, на аёл- ман, шунчаки муаллифман. Шунинг учун мени му- аллиф сифатида муҳокама этишингиз лозим", деб жавоб беради.

ЭМИЛИ БРОНТЕ

Эмили Бронте "Довулли доvon" (1847.) номли битта роман ёзган. Унда эҳтирос кучли бўлиб, ман- тик ва ҳаёт талабларига жавоб бермагани учун опа- сининг соясида қолиб кетади. Эмили Бронтенинг романи одатдаги викториан даври романларига ўхшамас эди. Бу романдаги новаторлик XX асрга келибгина эътироф этилди.

ЭНН БРОНТЕ

Опа-сингиллари қаторида Энн унчалик машҳур эмасдир, аммо унинг "Агнес Грей" ва "Уайл- дфелл-Холлик нотани аёл" романларини ҳамон китобхонлар севиб ўқишади. Инглиз танқидчиси Жорж Сейнтсебери бир гал адиба ҳақида: "Ёши кат- та қариндошларининг рангсиз акси", деб ёзган эди. Оилада олтинчи фарзанд бўлган Энн кўплаб хикоя- лар, эртаклар ёзиб қолдирган.

БРОНТЕЛАР ҚИСҚА УМР КЕЧИРГАН

Оилада нисбатан машҳур бўлган Шарлотта (1816 – 1855), Эмили (1818 – 1848), Энн (1820 – 1849) ҳам 31 ёшида ҳаётдан кўз юмган укаси Брэн- веллдан кейин узоқ яшамаганлар.

Эмили укасининг дафн маросимида шамоллаб қолиб, орадан уч ой ўтгач вафот этади, ундан сўнг орадан бир йил ўтгач, Энн ҳам сил касаллигига ча- линиб оламдан ўтади.

Bolalar bekati

SHAMOL KABI SHOSHMA'YMAN



Ehtiyot bo' b ko'tar, uka, Tushirvorma qo'ltiqdan.

SHERIK

Albinaxon – olti oylik, Quyib qo'ygan onasiday. Kuni kecha chiqdi tishi Guruchning donasiday.

Bundan faqat Temur xafa Bildirmadi hatto tabrik. Chunki paydo bo'lgandi-da Shakalatga jajji sherik.

KAKTUS – KO'KTUS Garchi o'zim ko'k tusdaman, Tikan bosgan jismimni. Lekin nega chet elchalab Ataysizlar ismimni?

Endi kimdir Kaktus desa Tikonlarim qadayman. Men o'zimni bilsangizlar, Kirpigul deb atayman!

GILAMCHA

Endi orzu qilganday, Shamol kabi shoshmayman. Daryolarni, tog'larni Bir nafasda oshmayman.

Keyinroqqa qoldirdim, Yulduzlarni quchishni. Chunki mening gilamcham Bilmas ekan uchushni.

Азамат ХУДОЙБЕРГАН

TARVUZNING HASRATI Yantoqning panasida, Palakdan suv simirib. Yotar edim kundan-kunga Semirgandan semirib.

Lekin oqshom kimdir atay, Erta kalla sahardan. Meni olib ketish uchun Kelgan ekan shahardan.

Mashinaga ortguncha to Bo'ldim qancha qo'lma-qo'l. Shaharchaga yetguncha ham Yomon uzoq ekan yo'l.

Haridor ko'p, mening esa Nuqul tegar g'ashimga. Hammalari aylanib keb Chertoverar boshimga.

Bo'lmasaku ularda ham Qarilar bor, yoshlar bor. Chertay desa, ana, qancha Mendan silliq boshlar bor.

Hozirgina sotildim, Arzongina, Qo'yliqdan.

КОЛДИРМАЙ ТЕР ҚОШИНИҒНИ

Абдураззоқ ОБРЎЙ



Яқин келсанг ёнимга Тақиб ол противагаз.

ЕГАНИМ ИЧИМГА ТУШМАЙДИ

Еганим ичимга тушмайди, нетий, Дардларим, жонгинам, кимларга айтмай? Шухрат ТОИРОВ, "Ихҳор".

Қанча овқат емайин, Қорним сира шишмайди. Кўп галати, еганим Ҳеч ичимга тушмайди. Ёшлигимдан шунақа, Иштаҳаси зўрман мен. Кавшанаман ҳар доим, Жуда овқатхўрман мен. Оғзимга солиб роса, Чайнаганим биламан. Қорнимда ҳеч вақо йўқ, Ушлаб кўриб, куламан. Еб тўймайсиз деб мени, Хотиним ҳам уришар.

Parodiya

Билади Шухрат Тоир, Ўшандан сўра, деди.

ИШОН МЕНИНГ СЎЗИМГА

Ўзингни ҳеч аяма, Сувга ташла, ур ўтга.

Жаҳонгир НОМОЗОВ, "Ўзингдан ўзингни қутқар".

Битталаб юл сочингни, Колдирмай тер қошингни, Тухумдай қил бошингни, Шафқатсиз бўл ўзингга!

Бўғиб олгин бўйингдан, Итга жой бер кўйингдан, Кетиб қолгин уйингдан, Туфла ўзинг юзингга!

Чўп тиқиб ол кўзингга, Сўқиш кўшигил сўзингга, Захар солгил тузингга, Бомба кўйгил изингга!

Азобга тутиласан, Ўзингдан қутиласан, Мағлуб бўп ютиласан, Ишон Раззоқ сўзига.

СОҒИНИШ

Мен сени соғиниб яшайман, Сен эса ўзгалар кўйнида.

Масихуллоҳнинг "Дарахтдан тўкилиди япроқлар" шеъридан.

Турган эдим кўчада, Дўстим билан чекишиб. Кўчадан ўтиб қолдинг, Бир йигит-ла ўпишиб.

Дарҳол дедим дўстимга: "Соғингандим тозаям. Яхшиям ўтиб қолди, Безовтайдим росаям".

Hajviya

Ҳамманинг кўшнилари кўшнидай, меники-чи! Девор ортида аёл қичқиради: "Уҳ-х!", "Жойига!", мен итига буюраётгандир деб ўйлагандим, йўқ, эрига экан! Ўзи парҳезда ўтирибди, эрини ҳам ўтказди, унга парҳезнинг нима кераги бор, кўчада кетаётганда шамол учириб кетадигандай қалтираб турган бўлса. Яқинда шамол бўлди – уни кўшни аёл- нинг болохона айвонидан учуриб кетди.

Кўшнилари... учинчи хонадонда – ре- жиссёр... сериаллар олади, шунинг учун ҳеч нарсани ўйламайди! Кунига мен билан йигирма марта саломлашади. Мен ундан "Нима, мени танимаяписизми?" деб сўрайман. "Нега энди – танийман, аммо сизлар кўпчиликсизлар, деб ўй- лайман-да", дейди у.

Унинг хотини топ-модель... Озгин, новдадай! Эри уни хонадонда қандай топаркин? Мен у билан лифтга чиқдим. "Менга саккизинчи қават" деди у. Қайри- либ қарадим – ҳеч ким йўқ. Кўркиб кет- тим, "Қаердасиз? деб сўрадим, "Елкан- гизнинг орқасидан", деб жавоб берди у.

Кўшнилари... биттаси ўн йил камоқко- нада ўтириб келди ва энди учрашганда ҳаммага "Нимагадир сиз анчадан буён кўримдингиз?" дейди. Ҳазилкаш... Бошқа биттасига суратга тушиб бери- шини сўрашибди, пул ҳам тўлашибди. У хурсанд бўлди, кейин эса кўчада ке- таётиб плакатга кўзи тушибди – унинг расми остига "Эҳтиёт бўлинг – ОИТС"

деб ёзиб қўйишибди. Энди у паспортга суратга тушишга ҳам кўрқяпти, ўринга суратга тушиб келишини хотинидан ил- тимос қиляпти.

Кўшнилари... бешинчи қаватда ми- лиционер яшайди – ДАНда ишлайди...

Виктор КОКЛЮШКИН

КЎШНИЛАР


Яқинда маст бўлиб, лифтда ҳам- мани текширди: "Дори-дармонлар қутиси қани?", "Нега хавфсизлик камари боғланмаган?". Бир соатда профессорнинг бир ойлик маши- дан кўпроқ маблағни тўплаб олди. Энг кизиги, спорт кийимиди... май- ка, калта иштон... кўлида ола таёғи.

Олтинчи қаватдаги пиёниста ўзига қўлбола ароқ тайёрлайдиган мўъжазгина қурилма ясаб олган. Қўлбола ароқни ҳам ичиб тугатди, энди фақат сув ичади, шакар чайнаб, ҳамиша қувноқ юради!

Саккизинчи қаватда муттаҳам фи- рибгар: бир гал порани олгач, пулларга белги қўйилганини билиб қолди. Уларни ямлаб ютиб юборди, милиция пуллар- нинг чиқшини кутди. Кейин-чи... дол-

ларни ютганди, собик иттифоқ даври- даги рубллар чиқди.

Пастки қаватда спортчи туради... Олимпиададан олтин медал олиб кел- ган, аммо у ёқда уни ҳамон қидириша- ётгани ҳеч кимни ташвишлантормайди. Кўшнилари... биттаси электр ҳисоб- лагичга қандайдир игнани қўйиб-



ди, энди электр учун у эмас, унга тўлашяпти. Уни деб электр тармоқла- ри қорхонаси қарзга ботиб қолди.

Унинг ўғли ҳам хакер чиқиб қолди! Қандайдир банкдан ўзининг ҳисобига 100 минг ўтказди, энди стипендиям шун- ча бўлди, деяпти. Бунга ишонган бобоси ўзи эллик йил илгари битирган МДУга

кайта ўқишга кирмоқчи бўлиб юрибди.

Кўшнилари... тўққизинчи қаватда бит- таси катта ногора сотиб олди. Энди уни чалмаслиги учун ёнида яшовчилар, ҳар ой пул тўплаб туришади.

Ҳа, биринчи қаватдаги анови курумсоқ қўлида бўш челақ билан уйдан чиқаёт- ган ишбилармоннинг рўпарасида пайдо бўлади. Ишбилармон икки кун чидади, кейин унга юз рубльдан тўлай бошлади. Эркакча бу оздек туюлди, яна чиқди, бошига чела- гини кийдириб қўйишгач қайтиб келди ва юз рубль – бу кўплигини тушунди.

Кўшнилари... йигирман- чи қаватдаги амалдор, ҳаммага айёрлик қилмоқ- чи бўлди: ўзининг мулки- ни хотини ва қайнонасига ўтказди, суд ижрочилари рўйхатга олгани келиши, у бўлса "Бу меники эмас!" деди. Улар кетишди. Хотини ва қайнонаси эса, "Бу меники эмас!" дейишди. Кейин катта кў- чани кўрсатиб қўйишди.

Мана шунақа менинг кўшнилари! Агар мен бўлмаганимда... бу уйда би- рорта рисоладагидек одам топилмасди!

Русчадан Ҳабиб СИДИҚ таржимаси



# НАВОИЙ КОМ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ



**юртдошларимизни  
хурлик, озодлик ва фаровонлик рамзи -  
она-Ватанимиз Истиқлолининг  
32 йиллик байрами билан  
самимий табриклайди.**

**Озод диёримиз ҳамisha гуллаб-яшнасин,  
осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.  
Халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат  
қилаётган барча юртдошларимизга  
муваффақиятлар тилаймиз.  
Билимдон, келажаги порлоқ ёшлар  
Янги Ўзбекистоннинг,  
унинг бағридаги йилдан-йилга  
ривожланиб бораётган  
Навоий вилоятининг эртанги эгаларидир.**

**Уларнинг камолини кўриш  
барчамизга насиб этсин!**

**Мустақиллик байрами қутлуғ бўлсин,  
азиз юртдошлар!**



**O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент-100066,  
Бунёдкор кўчаси, Адиллар хиёбони,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:  
ЎЗБЕКISTON  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош  
мухаррир  
**Хумоюн  
АКБАРОВ**

Тахририятга келган кўлтамалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи мухаррир Шухрат АЗИЗОВ  
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА  
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва  
оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан  
0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адали - 1107. Буюртма Г - 938.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ”  
нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонаси.  
Босмахона манзили:  
Буюк Турон кўчаси,  
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ  
Сотувда нархи эркин.

